



БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ ВА МАЙДА БЕЗОРИЛИК ХУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ЎЗARO ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

Адилов Темурхон Бахтиёр ўғли

Тошкент вилояти ИИББ масъул ходими,

тел. +998-97-746-06-00

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7180773>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 05th October 2022

Online: 10th October 2022

KEY WORDS

Безорилик, майда безорилик, хуқуқбузарлик. Суд, Ички ишлар органи, Миллий гвардия.

ABSTRACT

Ушбу мақолада безорилик жинояти ва майда безорилик хуқуқбузарлигини ўзига хос хусусиятлари, даражаси ва ҳолатига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларни, шунингдек безорилик ва майда безориликни фарқлашда етакчи олимлар фикрлари таҳлил қилинган.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари давлат ва жамият доимий эътибори предмети ҳисобланади. Давлат фуқароларни қонун ва одоб-ахлоқ нормаларига ҳурмат, қонун бузилишига нисбатан мурасасиз бўлиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилишда фаол иштирок этиш руҳида тарбиялашга катта эътибор беради.

Шундай бўлсада фуқароларни ҳуқуқлари ва одоб-ахлоқ нормаларини қасдан менсимасдан маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилмоқда. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан энг кўп содир этилиши кузатилаётганлари бири-бирига ўхшаш бўлган майда безорилик ва безорилик жиноятларидир. Жумладан, Суд ҳукми билан маъмурий қamoқ жазоси қўлланган шахсларнинг 25 795 нафари МЖТКнинг 183-моддасига асосан, 8 851 нафари МЖТКнинг 187-моддасига асосан, 73 нафари МЖТКнинг 1883-моддасига асосан, 3 898 нафари

МЖТКнинг 131, 136-моддаларига асосан, 3 046 нафари МЖТКнинг 194, 195-моддаларига асосан ва 7 783 нафари бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун маъмурий қamoқда ушлаб турилган бўлиб, қamoқ муддати жами 409 942 суткани ташкил этди[1].

Майда безорилик ҳуқуқбузарлиги тадқиқ этадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183- моддасида қуйидагича тариф берилади. Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик[2] ҳисоблади.

Бундан ташқари, С.С. Умирзаков фикрича, майда безорилик (183 - модда), яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга



ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Жамоат тартиби майда безориликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади. Жамоат тартиби жамоат жойларида ҳуқуқ меъёрларини сақлашга асосланган муносабатлардир[3]. Шу ўринда Ў.Ў. Жамоат тартиби майда безориликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади. Жамоат тартиби жамоат жойларида ҳуқуқ меъёрларини сақлашга асосланган муносабатлардир[4] деб тариф беришган. Ушбу олимлар майда безорилик ҳуқуқбузарлигига тариф беришда амалдаги қонун ҳужжатларига таянган ҳолда тариф беришган. Майда безорилик ҳуқуқбузарлигини тарифини беришда илмий тариф бериш зарур.

Фикримизча, майда безорилик ҳуқуқбузарлиги З.М. Охунов ва Ш.Х. Қушбоқов такидлаганидек, ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш, унинг ҳақиқий сабабларини ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий ва педагогик муаммолар тизимидан излаш лозим[5]. Майда безорилик бу жамоат тартибига тажовуз қилувчи ижтимоий қилмиш ҳисобланиб ушбу ҳуқуқбузарликни содир этишда ҳуқуқбузарнинг руҳий ҳолати ва унинг хулқ атори бузуқлиги сабаб бўлади.

Безорилик жинояти бўлса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг 277- моддасига биноан, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд

нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир[6] этилиши тушунилади.

Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг ўхшаш жиҳатларини таҳлил қилсак биринчидан, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят албатта жамоат жойида содир этилган бўлиши керак; иккинчидан, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик фақат ҳаракат орқали содир этилади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки безорилик ва майда безориликлар Ш.Х. Қушбоқов ва М.М. Етмишбоев такидлаганидек, қонун ҳужжатларида belgilangan бўлсада, аммо унинг ҳуқуқий мақомига хос барча хусусиятлар ўз аксини топган аниқ қонунчилик [7] асоси бўлсада ушбу жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни фарқлашда амалиётда тафовут мавжуд.

Ҳуқуқшунос Каракетова Д. фикрича Расмий статистика маълумотларида кўрсаткичларининг пасайганлиги безорилик айрим кўринишларининг декриминализация қилинганлиги, содир этилган безориликни майда безорилик сифатида баҳоланиши (МЖТК 183-М) билан боғлиқ. Ундан ташқари статистика кўрсаткичларининг шакллантирилишига жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтларининг қўлланиши, мазкур қилмишлар латентлиги даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади[8]

Безорилик ва майда безориликнинг ўзаро фарқли қуйидаги жиҳатлари мавжуд:

Биринчидан, майда безорилик маъмурий ҳуқуқбузарлигида баданга тан жароҳати етказиш мумкин эмас агар баданга енгил тан жароҳати етказилса



безорилик жиноятини содир этилиши деб ҳисобланади;

Иккинчидан, майда безорилик маъмурий ҳуқуқбузарлиги содир этган ҳуқуқбузар вояга етган бўлиши керак. Безориликда вояга етиши шарт эмас.

Учинчидан, майда безорилик ижтимоий қилмиш лекин даража мавжуд эмас безорилик ижтимоий қилмиш бўлиб жиноятни квалификация қилишда ўз даражасига эга;

Шу ўринда, Безорилик ва майда безориликни фарқлашда тафовут мавжуд ушбу тафовутга барҳам беришда қуйидаги таклифни беришни жоиз топдик. Жумладан, Судлар майда безорилик ҳисобланган маъмурий ҳуқуқбузарликни безорилик жиноятдан фарқловчи пленум қарори қабул қилиши жоиз. Чунки, 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар

бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 9- сон қарорига мувофиқ майда безорилик ҳаракатлари давом этиб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиноий жавобгарликка тортилади деб таъкидлансада енгил тан жароҳат етказишнинг қайси тури яъни МЖТК 52-моддасидаги енгил тан жароҳати ҳуқуқбузарлигини назарда тутяптими ёки ЖКнинг 109-моддасидаги қасддан баданга енгил тан жароҳати етказиш жиноятини назарда тутилгани ёритилмаган;

References:

1. Ички ишлар органларининг махсус муассасалари фаолиятини ташкил этилишида 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида маълумотидан.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664>. Мурожаат вақти: 09.10.2002й.
3. Умирзаков С.С. Ички ишлар органларининг жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш (оммавий тадбирлар мисолида). Замоनावий фан, таълим ва ишлаб чиқариш муаммоларининг инновацион ечимлари илмий амалий онлайн конференция. 2022 й. 165 Б.
4. Рахматов Ў.Ў. ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Analytical Journal of Education and Development. 2022 й. 203 Б.
5. З.М. Охунов, Ш.Х. Қушбоқов. ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР // Том 2 № 11 (2022): Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. 37-38 Б. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7139131>.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. электрон манба: <https://lex.uz/docs/111453>. Мурожаат вақти: 09.10.2002й.



7. Қушбоқов Ш.Х. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ЎРНИ // Международная конференция академических наук: сборник научных статей международной научной конференции (22 сентябрь 2022 г.) – улан-удэ, Россия. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7098842>.
8. Qushboqov Sh.X. Yetmishboyev M.M. JAZONI IJRO ETISH MUASSASALARI ISHTIROKIDA TUZILADIGAN FUQAROLIK-HUQUQIY SHARTNOMALARNING MOHIYATI VA AHAMIYATI // Том 2 № 9 (2022): Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. <https://www.in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/3732/3339> doi.org/10.5281/zenodo.7089014.
9. KARAKETOVA D. Criminological characteristics of hooliganism and the personality of the hooligan. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>. 2022 й. 70 Б.